



АНДИЖОН ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 8 февраль куни Андижон ва Тошкент вилоятларидаги инвестиция лойиҳалари тақдими билан танишди.

Дастлаб жорий йилда ишга туширилаётган лойиҳалар ҳақида ахборот берилди. Хусусан, Андижон вилоятида бу йил умумий қиймати 1 миллиард 433 миллион доллар бўлган 616 та лойиҳа фойдаланишга топширилади. Соҳалар кесимида айтганда, уларнинг 258 таси саноат, 185 таси хизмат кўрсатиш, 173 таси қишлоқ хўжалиги тармоқларида. Буларнинг натижасида қарийб 10 триллион сўмлик ишлаб чиқариш қуввати ташкил этилиб, 95 миллион долларлик импорт ўрнини босиш ҳамда 265 миллион долларлик экспорт имконияти яратилади. 61 мингта янги иш ўрни очилади.

Масалан, “Тетратекс” масъулияти чекланган жамияти томонидан Бадиқчи туманида тўқимачилик комплекси ташкил қилинмоқда. 2021-2022 йилларда тўрт босқичда амалга оширилиши режалаштирилган ушбу лойиҳанинг жами қиймати 126 миллион евро. Корхона ип-калавадан бошлаб тайёр трикотаж маҳсулотларигача бўлган жараёнларни қамраб олади. Жорий йил охирида ишга туширилаётган биринчи босқичда 2 минг 500 та, барча босқичлар якунида эса 10 мингта иш ўрни яратилади.

Бу каби лойиҳалар бўйича жадал иш олиб бориш билан бирга янгилари ҳам шакллантирилмоқда. Масалан, Андижон вилоятида умумий қиймати 782 миллион доллар бўлган 53 та янги инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Тақдимотда ушбу лойиҳаларнинг истикболлари, молиялаштириш манбалари ва инфратузилма масалалари юзасидан маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни иш ўринларига талаб юқори бўлган маҳаллаларда жойлаштириш, давлат-хусусий шериклик асосидаги корхоналарни қўпайтириб, бандликни ошириш муҳимлигини таъкидлади.

Тошкент вилоятида бу йил 355 та лойиҳа ишга туширилади. Умумий қиймати 1 миллиард 624 миллион доллар бўлган мазкур лойиҳаларнинг 198 таси саноат, 81 таси хизмат кўрсатиш, 76 таси қишлоқ хўжалиги соҳасидадир. Буларнинг самарасида қарийб 35 миллион сўмлик ишлаб чиқариш қуввати яратилиб, 13 минг кишининг бандлиги таъминланади. 48 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи ва 42 миллион долларлик экспортбон маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Бундан ташқари, вилоятда 187 та янги инвестиция лойиҳаси режалаштирилмоқда. Тақдимотда уларнинг энг йириклари тўғрисида тўхталиб ўтилди.

Масалан, “Metall products” масъулияти чекланган жамияти томонидан 25 миллион доллар эвазига Оҳангарон шаҳрида металл маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Унинг қуввати йилига 60 минг тонна бўлади. Жорий йил май ойида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган корхонада 150 киши иш билан таъминланади.

“Ангрен” эркин иқтисодий зонасида велосипедлар, Қўбрай туманида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳалари ҳам ички бозор учун жуда муҳим.

Президент саноатга илм ва инновацияларни фаол жалб этиш, маҳсулотлар сифатида алоҳида эътибор қаратиб, хариддорлигини таъминлаш зарурлигини таъкидлади. Тошкент вилоятининг транспорт ва туризм салоҳиятидан оқилона фойдаланиб, хизмат кўрсатишни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЧАРМ-ПОЙАБЗАЛ ВА МЎЙНАЧИЛИК СОҲАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда юқори сифатли чарм, пойабзал, чарм-атторлик маҳсулотлари, шунингдек, мўйна ва жундан юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, соҳада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш, замонавий технологияларни жорий этишни рағбатлантириш мақсадида:

1. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги “Озиқ-овқат, чарм-пойабзал ва фармацевтика саноатида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ—2718-сон қарорига асосан очилган кредит линияларининг танланмаган маблағлари ҳисобидан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан 2021-2022 йилларда чармдан тайёр маҳсулотлар, чарм-атторлик, шунингдек, мўйна ва жундан юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш учун умумий қиймати **50 миллион АҚШ** долларлари миқдоридаги кредит линияларини устав

фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган тижорат банкларида очиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки: Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси мазкур қарорнинг 1-бандида кўзда тутилган кредит линияларини тегишли тижорат банкларида 3 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда 7 йил муддатгача, йиллик 4 фоиз ставкаси шартларида очадиган;

кредитлар тадбиркорлик субъектларига замонавий янги ускуна ва технологияларни харид қилиш учун 2 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда 7 йил муддатгача, йиллик 6 фоиз ставкасида ажратилади. 3. 2023 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона божининг ноль ставкаси қўлланиладиган хомашё, материаллар ва фурнитуралар рўйхати **1-иловага мувофиқ** тасдиқлансин.

4. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари, Тошкент ҳамда Сурхондарё вилоятлари ҳокимликларининг “**Ойбек-автотўл**”

(Тошкент вилояти) ва “**Сариосиё-автотўл**” (Сурхондарё вилояти) чегара ўтказиш пунктларидан қўшни давлат чегарасигача бўлган жойларда эксперимент тариқасида маҳаллий тайёр маҳсулотлар савдосига ихтисослаштирилган савдо нуқталарини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ушбу савдо нуқталарида фаолият юритадиган тадбиркорлар томонидан реализация қилинадиган ҳамда қўшни давлат ҳудудига олиб чиқилган товарлар экспортга тенглаштирилсин.

Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари билан биргаликда бир ой муддатда “Ойбек-автотўл” ва “Сариосиё-автотўл” чегара ўтказиш пунктларидан қўшни давлат чегарасигача бўлган жойларда савдо нуқталарини ташкил этиш учун тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда ер майдонлари ажратилишини ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан тегишли инфратузилмалар яратилишини таъминласин.

▶ Давоми 2-бетда

ЭЪТИҚОД ВА САЛОМАТЛИК

ҚУВВАТЛИ ИНСОН ЖАМИЯТ УЧУН МАНФААТЛИДИР



Усмонхон АЛИМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси,
муфтий

Тараққиёт ҳаётни ўзгартиради, дунёқарашимиз, тутумларимизга янги ҳаво олиб киради. Яшаш қонунияти шундай. Мақсад эса битта — яхши яшаш ва қулай муҳитда узоқ умр кўриш. Бунинг учун эса соғлом ҳаёт тарзига амал қилиш талаб этилади. Аслида бу жуда осон: тўғри овқатланиш, кўпроқ пиёда юриш, бадантарбия машқларини бажариш, иллатлардан йироқ бўлиш. Бундай кишиларнинг қалби ва руҳияти ҳам поклана боради. Соғлом турмуш тарзи, жисмоний фаоллик диний эътиқодларда ҳам қўллаб-қувватланади.

▶ Давоми 6-бетда

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТ ВА РАҒБАТЛАР



Ботирбек ТЎРАЗОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

Ўтган йили Президентимизнинг коронавирус пандемияси оқибатларини юмшатиш ва бартараф этишга қаратилган катор фармон ва қарорлари асосида жами 82 триллион сўмлик комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Шу жумладан, давлат корхоналарига ва 500 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти ҳамда қарийб 8 миллион фуқарога жами 66 триллион сўмлик солиқ имтиёзлари, кредит муддатларини узайтириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ёрдам берилди.

Бундай кенг қўламли ва самарали чоралар тадбиркорлар фаолияти барқарорлигини сақлаб қолишга, иқтисодий қийинчиликларни енгиб ўтишга моддий асос яратди.

Президентимизнинг жорий йил 3 февралдаги фармонида мувофиқ, 2017–2021 йилларда мам-

лакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тасдиқланди.

▶ Давоми 2-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

“ШОДИЁНА”ДА ФАЙЗЛИ КУНЛАР, ОБОДЛИК ИШЛАРИ БОШЛАНДИ



Одатда дам олиш кунлари маҳалламиз оқсоқоллари, кайвони момолар, ёшу қари қўп қаватли уйимиз олдидаги айвончада, ўриндиқларда гурунглашиб ўтиради. Ишчан қўшнilar ҳам шу кунни йигилиб турли масалаларни ҳал қилишга киришади. Бу яхши анъана тусини олган. Кечаги шанба-якшанба кунлари негадир улар кўринмади. Хайронман. Уйдагилардан бу ҳолга изох сўрадим.

— Икки кундан буён телевизор қаршисидан узоқ кетмаепти қўшнilar, — деди улар. — Президентимизнинг Фарғонага ташрифи муҳокмада. Ҳозир ҳам ташриф тафсилотларини кўриш учун ҳамма уйига шошилиб кетди. Биз ҳам шуни кутяпмиз. Кеча Президентимиз қутилмаганда маҳаллага кириб, аёллар билан суҳбатлашибди, ҳол-аҳвол сўрабди, эшитгандирсиз?!

Ҳа, шундай бўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 4-5 февраль кунлари Фарғона вилоятига ташрифи нафақат “Олтин водий” халқини, балки барча юртдошларимизни тўлқинлантириб юборди. Фарғона шаҳридаги “Шодиёна” маҳалласи аҳолиси учун эса бир умр унутилмас воқеа бўлиб қолди.

▶ Давоми 2-бетда

АЛИШЕР НАВОЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИГА

Бенедик ПЕРИ:

НАВОЙДЕК ҚУЁШИ БОР ЮРТ ОШИҒИМАН



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қароридан чет элда истиқомат қилаётган ўзбек тили мутахассислари, таржимонларни жалб қилган ҳолда Ҳазратнинг асарларини бошқа тилларга таржима қилиш, нашр этиш ва хорижий мамлакатларда тақдимотларини ўтказиш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш борасидаги муҳим вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтилган.

Ҳозирги кунда шоир асарларидаги умуминсоний ва барҳаёт ғояларни тадқиқ этиш жараёни хорижда ҳам қизғин кечмоқда. Венгриялик навоийшунос Бенедик ПЕРИ билан суҳбатимизда ана шу жараёндаги ютуқлар ва муаммоларга оидинлик қилишга ҳаракат қилдик. Таниқли навоийшунос билан онлайн суҳбат уюштиришимизда бизга филология фанлари доктори Афтондил Эркинов ёрдам берди.

▶ Давоми 5-бетда



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИЧАРМ-ПОЙАБЗАЛ ВА
МЎЙНАЧИЛИК СОҲАЛАРИНИ
ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР
ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

“Ўзчармсанот”, “Ўзтўқимачилик-санот”, “Ўзбекипаксанот”, “Ўзл-техсанот” ва бошқа уюшмалар ташкил этиладиган савдо нуқталарини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг сифатли маҳаллий маҳсулотлари билан таъминласин.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Давлат божхона қўмитаси, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари билан биргаликда 2022 йил

1 июлгача қадар эксперимент натижаларидан келиб чиқиб, республиканинг бошқа халқаро қатновлари учун очик бўлган чегара ўтказиш пунктларидан қўшни давлат чегарасига бўлган жойларда маҳаллий тайёр маҳсулотлар савдосига ихтисослаштирилган савдо нуқталарини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

5. “Ўзчармсанот” уюшмаси томонидан Чарм-пойабзал соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан республика ҳудудларида ва хорижий давлатларда маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган чарм маҳсулотлари савдосига ихтисослаштирилган “Multibrand” дўконларини ташкил этиш ва унинг электрон савдо платформасини яратиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

“Multibrand” дўконларини республика ҳудудларида ва хорижда ташкил этиш ҳамда унинг электрон савдо платформасини яратиш, шунингдек, “Ўзчармсанот” уюшмаси аъзоларининг етакчи электрон савдо платформаларида маҳаллий чарм маҳсулотларини жойлаштириш бўйича харажатларини Чарм-пойабзал соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширишга розилик берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари “Ўзчармсанот” уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда янги ташкил этилаётган “Multibrand” дўконларининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг марказий шаҳарларида аҳолига қулай жойларда жойлаштирилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 8 февраль

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ УЧУН
ЯНГИ ИМКОНИЯТ ВА РАҒБАТЛАР

Бошланиши 1-бетда

Дастур 274 банддан иборат бўлиб, аниқ мақсад ва вазифаларга қаратилган билан катта аҳамиятга эга. Унда кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини янада ривожлантириш ва рағбатлантиришга таъкид этиш бўйича тегишли чораларни кўрсин.

6. “Ўзстандарт” агентлиги: **икки ой муддатда** чарм, пойабзал, чарм-атторлик маҳсулотлари, жун ва мўйнадан тайёрланган буюмларга уларни синовдан ўтказиш усулларида талабларни белгилловчи стандартлар бўйича амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказсин ва халқаро меъёрларни ҳисобга олган ҳолда уларни қайта кўриб чиқиб, амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

2021 йил 1 мартга қадар чарм, пойабзал, чарм-атторлик маҳсулотлари, жун ва мўйнадан тайёрланган буюмларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ахтиёжидан келиб чиқиб, соҳага тегишли бўлган синаш бўйича халқаро, минтақавий ва хорижий давлатларнинг стандартларини асли ёзилган тилларда қабул қилиш чораларини кўрсин.

7. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига белгиланган тартибда киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

9. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У.Умурзаков белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ҳар ярим йил якуни бўйича ахборот киритиб борилин.

Туризм, транспорт ва умумий овқатланиш соҳаларида 20 мингта тадбиркорлик субъектининг ер ва мол-мулк солиғини тўлаш бўйича 2020 йил якунига қадар кечиктирилган 400 миллиард сўмни қайтариши;

400 миллиард сўмни қайтариш ва улар бўйича пенялар ҳисобланишини тўхтатиб туриш ва солиқ қарзини мажбурий ундиришга қаратиш чораларини кўрмаслик талаби 2021 йил 31 декабрга қадар узайтириляпти. Бунинг натижасида 2718 та тадбиркорлик субъектига 80 миллиард сўм имтиёз берилиши кутилмоқда.

Коронавирус пандемияси даврида тадбиркорлик субъектларига 2020 йил 31 декабрь ҳолатига қолдиқда турган мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича берилган фойсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) суммаси, яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш учун солиқ аудити ўтказишда “таҳлика-таҳлил” тизими босқичма-босқич жорий этилган ҳолда, солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган кичик тадбиркорлик субъектларида солиқ аудити ўтказилишига мораторий ҳам жорий йилнинг охиригача узайтирилади. Бу, ўз навбатида, соҳанинг жадал ривожланишига, минг-минглаб янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади.

Дастурда Давлат солиқ хизматида “солиқчи — кўмакчи” тамойили асосида фермер хўжалиқларининг даромад ва харажатларини автоматик шакллантириш ва солиқ органларига юбориш имконини берувчи электрон тизимини 2021 йил 1 июлгача қадар амалиётга жорий этиш чоралари кўрилиши ҳам назарда тутилмоқда.



Шунингдек, Давлат солиқ хизмати-нинг фаолиятини шу тамойил асосида ташкил этиш доирасида олдинги йил учун даромадлари йиллик молиявий ҳисобот маълумотларига кўра, камида 5 миллиард сўмни ташкил этган, юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжалиқлари эндиликда солиқ мониторингида иштирок этишга ҳақли бўлади.

Яна бир муҳим жиҳати, тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, жумладан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га қиритилган фуқароларга фаолиятини бошлаш учун зарурий асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилишга 7 миллион сўмгача субсидиялар ажратилиши амалиёти йўлга қўйилади. Бу йўналишдаги ишларнинг давлат дастурида тасдиқланиши катта ютуқ бўлиши билан бирга, муаммолар ечимига қаратилган молиявий асос ҳамдир.

Қайд этиш жоизки, халқимиз муаммолари ечимига қаратилган, аҳоли фикри иноватта олинган ушбу дастурни амалга ошириш асосида тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратилади, фуқароларимиз турмуш даражаси янада яхшиланади. Энг асосийси, унинг ҳар бир йўналишидаги вазифа, ислохотлар, аввало, давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи бўлмиш халқимиз манфаатларига хизмат қилади.


КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВОМИДА ТАДБИРКОРЛАРГА БЕРИЛГАН ҚЎЙИДАГИ
ИМТИЁЗЛАРНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ 2021 ЙИЛ 31 ДЕКАБРГА ҚАДАР УЗАЙТИРИЛАДИ

Туризм, транспорт ва умумий овқатланиш соҳаларида 20 мингта тадбиркорлик субъектининг ер ва мол-мулк солиғини тўлаш бўйича 2020 йил якунига қадар кечиктирилган 400 миллиард сўмни қайтариши;

Мол-мулк ва ер солиғи бўйича пенялар ҳисобланишини тўхтатиб туриш ва солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари кўрилишига чеклов (31.12.2020 йил ҳолатига мавжуд солиқ қарзга нисбатан); (2021 йилда бунинг натижасида 2718 та тадбиркорлик субъектига 80 млрд. сўм имтиёз берилиши кутилмоқда (2020 йилда 2802 та тадбиркорлик субъекти, 180 млрд. сўм))



Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тадбиркорлик субъектларига 2020 йил 31 декабрь ҳолатига қолдиқда турган мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича берилган фойсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) суммаси;



Солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган кичик тадбиркорлик субъектларида солиқ аудитининг ўтказилишига мораторий.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

“ШОДИЁНА”ДА ФАЙЗЛИ КУНЛАР,
ОБОДЛИК ИШЛАРИ БОШЛАНДИ

Бошланиши 1-бетда

Одатда давлат раҳбарларининг ташрифлари аниқ режа асосида ўтади. Вақт тигиз, ҳар дақиқа ҳисобиди.

Жума, 5 февраль куни давлатимиз раҳбари Фарғона шаҳрида халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этди. Сессиядан сўнг Президентимиз утирган

кортеж навбатдаги манзилга йўл олар экан, кутилмаганда бошқа манзил сари бурилди. Ҳамма ҳайрон, мутасаддилар қаёққа боришни, нима қилишни билмайдилар. Фарғона шаҳридаги “Шодиёна” маҳалласига етиб келинди.

Дераздан атрофини томоша қилиб турган аёллар ҳовлида Президент юрғанини кўриб, кўзларига ишонмайдилар.

Хушхабар бир зумда маҳаллага тарқалди. Аёллар, болалар ташқарига отилди. Улар ўз Президентини яқиндан кўришни, дилдан суҳбатлашишни ният қиларди.

Бахтли тасодифни қарангки, шу куни маҳаллада Каримберди ака ва Саодат опа ўғилларини уйлантириш тўйига тараддуд кўраётган эди. Вилоятга Президент келаётганини эшитган Саодат опа қўшнларига “Президентимиз бизникига тўйга келяпти”, деб хазиллашди. Эртага тўй, деган куни шовқинни эшитиб, ташқарига югуриб чиққан опа рўпарасида давлат раҳбарини кўриб кўзларига ишонмади.

Табий ва самимий манзара: Саодат опа қувончини яширолмади. “Мен тўйимизга Президент келяпти, деб ҳазил-хул қилгандим. Фаришталар омин деган экан”, деб кўзларига ёш олди. Шавкат Мирзиёев Саодат опадан тўйнинг қаерда ва қачон бўлишини сўради, сўнг вилоят ҳокимига эртага Президент номидан тўйхонага бориб, ёшларни табриклашини тайинлади.

Саодат АКРОМОВА:

— Турмуш қурганимизга 30 йилдан ошди. Турмуш урғотим билан 3 ўғил, 1 қизни тарбиялаб, элга қўшдик. Маҳалламизга Президентимиз ташриф буюрган

қуннинг эртасига икки ўғлим — Маҳмуджон ва Комилжонни уйлантирдик. Тўйга вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров келиб, Президент совғаларини топширди, ўғилларимиз ва келинларимизни табриклаб, уларга бахт тилади.

Уйга ёки қўшнликка меҳмон келса, тайёргарлик кўрасиз. Ҳеч курса, нима-ни гапиришингиз, қандай мулозамат кўрсатишингиз ҳақида ўйлабсиз. Бу гал улуг меҳмонга мезбонлик қилолмадик. Ўша куни уйимизда стол безатилган эди. Биримизни столга тўққандик. Бироқ Президентимиз бошчилигидаги меҳмонларни уйга таклиф қилиш, тўй олдидан фарзандларимизга оқ фотиҳа сўраш ҳаёлимизга келмабди. Ҳаяжонда эдик. Ҳозир эсласам, ўзимдан хижолат бўламан.

Бу бизнинг ёдимиздан чиқмайдиган тарихий воқеа бўлди. Худо насиб қилса, ота-оналарининг тўйига Президент келганини невараларимга ҳам айтиб юраман.

Маҳмуджон АБУБАКИРОВ
(Саодат опанинг ўғли):

— Тўйимиз жуда эсда қоларли бўлди. Бир кун аввал Президентимиз ҳовлимизга келганидан хурсанд бўлгандик. Бироқ вилоят ҳокимининг давлат раҳбари номидан тўйхонага келиши етти ухлаб ту-

шимизга қирмаган эди. Президент совғалари эса оиламиз учун унутилмас тўёна бўлди. Улар оиламиз учун гузал кунларни эслаб туради. Бир сўз билан айтганда, тўй ажойиб ўтди, тилга, дилга ташди.

Энди ўйласам, бу ҳам одамга масъулият юқлар экан. Аллоҳ бизнинг пешонамизга шундай инсонлар билан учрашиш, уларнинг эътиборига тушиш бахтини берибди, биз ҳам шунга яраша ҳаёт кечиришимиз керак. Элу юрт қорига яраб, давлатимиз раҳбари берган совға — катта эътиборни виждонан оқлашимиз зарур, деб ўйлайман.

Мақсуда ЖАЛОЛИДДИНОВА:

— Нон олиш учун дўконга тушгандим. Қўшни келин “Мақсуда хола, маҳалламизга Президентимиз пиеда келяпти”, деб қолди. Тўғриси, ишонмадим. “Президент ҳам пиеда юрак-канми?”, деб қўя қолдим. Дўкон томон юракманман, қўшнлар билан салом-алик қилиб турсак, йўлнинг нариги юзиде давлатимиз раҳбари келяпти. Нима қилишни, на юришни, на туришни биламиз. Бир пайт биз томонга қараб юриб келди. Ҳол-ахвол сўради, қандай муаммоларимиз борлиги билан қизикди. Биримиз боғдан, биримиз, тоғдан гапирга бошладик. Чунки дабдурустан бунақа учрашиб қолиш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган эди.

Президентимиз биз билан суратга тушди ва вилоят ҳокимига бу суратларни ҳар биримизга эсдалик учун етказиб беришни топширди.

Бу учрашув ва самимий суҳбат бир умр ёдимизда сақланиб қолади. Президентимиз ташрифидан сўнг маҳалламизга файз, кўркамлик кириб

келди. Эндиликда кўчалар асфальт қилинмоқда. Йўл четларига арчалар экилди. Бу ободлик бизнинг кайфиятимизга янада кўтаринкилик бахш этапти.

Президентимиз “Юрагимдаги жўшқин тилагим, жонажон халқимизнинг оғирини енгил қилиш. Биринчи кундан жуда катта ҳаракат, изланишдамиз. Бу қарорлар, фармонлар, мажлислар бекорга эмас. Фарғона аҳли — буюк эл. Мана шу халққа муносиб бўлиш ва эртанги кунини фаровон қилиш зиммасидаги муқаддас бурч. Агар салгина ўзгариб, кичкина қадам ташласак, халқимиз бошига кўтаряпти, биздан рози бўляпти. Ҳаммамиз ҳамжиҳат бўлиб, оёғимиз ердан узилмасдан меҳнат қилсак, Фарғонада, албатта, натижа бўлади”, деди. Бугун шу гаплардан, эътирофдан руҳланган фарғоналиклар ҳаёти янада файзли кечмоқда. Янги мақсадлар сари катта ишонч билан интилиш бошланди.

Юқорида давлатимиз раҳбарининг Фарғона вилоятига ташрифидан илҳомланган юртдошларимиз кайфиятини маҳалламиз мисолида таърифладик. Бу ислохотларимиз бутун мамлакат бўйлаб авж олаётгани, одамлар уни ўз ҳаётида сезаётганидан далолат.

Башорат ЮНУСОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



ИННОВАЦИЯ



АГРОЛОГИК ТАДБИРЛАРНИНГ ҚУЛАЙ ҚУРИЛМАСИ

ЎЗБЕК ОЛИМЛАРИ ЗАМОНАВИЙ АГРОМЕТЕОРОЛОГИК СТАНЦИЯЛАРНИНГ МАҲАЛЛИЙ ПРОТОТИПИНИ ЯРАТДИ

**Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Ерга уруғ қадаб, ундан мўл ҳосил олиш учун мавсум давомида амалга ошириладиган агротадбирлардан ташқари ҳудудга оид об-ҳаво маълумотларини олдиндан билиш, зарарли ҳашарот ва зараркундаларга қарши ўз вақтида курашиш нечоғлиқ муҳимлигини деҳқонлар яхши билади. Жаҳон тажрибасида кенг қўлланилиб, имкониятлари жиҳатидан йил сайин такомиллашиб бораётган замонавий агрометеорологик станциялар шу каби вазифаларни бажаришда асқотади.

БМТ Тараққиёт дастури ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида амалга оширилаётган “Фарғона водийсида фермерларнинг иқлим ўзгариши хатарларига мослашиши ва барқарорлигини ошириш” лойиҳаси доирасида юртимизда ўтган йили ана шундай станцияларни яратиш ишлари бошланган эди. Россия томонидан молиялаштирилган ушбу лойиҳага жалб қилинган Тошкент давлат аграр университети ҳамда Инҳа университети мутахассислари ривожланган хоризм мамолакатларида ишлаб чиқариладиган агрометеорологик станцияларнинг прототипини яратишга муваффақ бўлди. Олимлар қурилма билан бирга, унинг маҳаллий шароитимизга мослаштирилган дастурий таъминотини ҳам ишлаб чиқди.


— Мазкур агрометеорологик станциялар одатий метеостанциялардан

фарқли тарзда, фақат об-ҳаво башорати билангина чекланмай, деҳқон ва фермерларга соҳада қўл келадиган бошқа кўплаб муҳим маълумотларни ҳам тақдим этиб боради, — дейди лойиҳа бўлими бошлиғи Бахтиёржон Тоштемиров. — Унинг ҳаво ҳарорати, намлик, ёғинлар миқдори, шамол йўналиши, тезлиги, тупроқ намлигини ўлчайдиган воситалари мавжуд. Об-ҳаво туррисида станция орқали олинган маълумотлар асосида махсус дастурий таъминот касаллик ва зараркундаларнинг кўпайиш эҳтимоли бўйича тахминларни ишлаб чиқади ва автоматик равишда интернетдаги махсус сайтга жойлаштиради.

Бу қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун жуда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Боиси, деҳқонларимиз касаллик ва зараркундаларнинг пайдо бўлгани ҳақида одатда, улар кўзга кўрингандан кейингина билади. Бу вақтда аллақачон экинларнинг қайсидир қисмига зарар етказиб улгурган, айрим ҳолларда қарши курашишнинг мутлақо фойдаси бўлмай қолади. Агрометеорологик станциялар башоратлари орқали эса ўсимликлар касалликлари ва зараркундалари кўпайиши эҳтимоли ҳақида олдинроқ хабар топиб, экинларга етадиган зиёнинг олдини олиш мумкин. Натижада ҳосилнинг катта қисмини сақлаб қолишга эришилади.

Деҳқонлар учун фойдали қўлланма

Агрометеорологик станциялардан фойдаланишда республикамиз ҳудудлари, айниқса, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида яхшигина тажриба бор. Боиси, БМТ Тараққиёт дастури доирасида 2019 йилдан бошланган “Фарғона водийсида фермерларнинг иқлим ўзгариши хатарларига мослашиши ва барқарорлигини ошириш” лойиҳаси илк синовларни айнан шу ҳудудларда бошлаган эди. Жараёнда ҳар



бир вилоятдан учтадан туман танлаб олиниб, жами 9 та ҳудудга Европада ишлаб чиқарилган энг замонавий агрометеорологик станциялар ўрнатилди ҳамда улар махсус дастурий таъминотга уланди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузиридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда станцияларнинг ишлаш тизими, дастурий таъминот орқали олинган маълумотларни деҳқон ва фермерларга етказиб бориш механизми йўлга қўйилди.

Ушбу агрометеорологик станциялар 2020 йилнинг эрта баҳоридан ишлаш бошлади. Инспекция ходимлари дастурий таъминотдан фойдаланишга ўқитилиб, кейинги босқичда уларга иш жараёнларини мониторинг қилиш вазифаси юклатилди. Улар станциялар орқали об-ҳаво шароити, башорати, шамол йўналиши, тезлиги, ҳаво намлиги, босими каби бир неча кўрсаткичлар бўйича олинган ва тўғридан-тўғри компьютерга узатиладиган тезкор маълумотларни идорада ўтирган ҳолда кузатиб боради. Эндиги вазифа ана шу маълумотлар ва башоратлари маҳаллий деҳқон ҳамда фермерларга

етказиб боришдан иборат эди. Мутахассислар бунинг замонавий ечимини қўллади — ҳар бир туманда агрометеорологик станциялар фаолиятини ёритиб, барча маълумот ва башоратларни тақдим қилиб борадиган телеграм гуруҳлар ташкил этилди.

Аграр соҳа вакилларига янада қулайлик яратиш мақсадида инспекция ходимлари мунтазам тақдим этиб бориладиган маълумотларга қўшимча тарзда пайдо бўлиши эҳтимоли мавжуд бўлган ўсимлик зараркундалари ва касалликларига қарши курашиш чора-тадбирлари бўйича тавсияларини ҳам бериб бормоқда. Яратилган ушбу тизим кўплаб фермерларнинг кейинги агротадбирларни берилган маълумотлар асосида режалаштириб, вақтида қўрилган чоралар орқали ҳосилни сақлаб қолишларига хизмат қилмоқда.

— Тизим биз кутган натижани берапти, десак муболаға бўлмайди, — дейди Бахтиёржон Тоштемиров. — Шу вақтга қадар 3 та вилоятдаги 375 та қишлоқ ҳўжалиги субъекти агрометеорологик станциялар телеграм гуруҳларига аъзо қилинган бўлиб, уларнинг жами экин майдони 3 минг 300 гектарни ташкил

этади. 2020 йилнинг декабрь ҳолатига кўра, водийда очилган телеграм гуруҳлар орқали 2193 та турли қўринишдаги ахборот, маълумот ва тавсия берилди. Ўздавқарантин инспекцияси ходимлари томонидан 1800 дан ортиқ маслаҳат хизмати кўрсатилди. Тизим самарадорлигини таҳлил қилиш мақсадида ўтган йилнинг охирида телеграм гуруҳларга аъзо фермерлар ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги ходимлари орасида аноним сўровнома ўтказилди. Фойдаланувчилар тақдим этилган саволларнинг ақсариятига ижобий жавоб берган. Масалан, “Биз томонимиздан берилаётган тавсиялардан қай даражада мунтазам фойдаланяпсиз?” деган саволга сўровномада қатнашганларнинг 57 фоизи доимий, 19 фоизи тез-тез, 14 фоизи баъзида фойдаланамиз, фақатгина 10 фоизи фойдаланмаяпмиз, деб жавоб берган. “Маълумотлар сизнинг фаолиятингизга, ҳосилдорликка қанчалик таъсир кўрсатяпти?” деган саволга эса 90 фоиздан ортиқ фойдаланувчи сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатганини таъкидлаган. Демак, деҳқонларда ҳам меҳнат фаолиятини илм-фан асосида ташкил этиш кўникмаси шаклланиб борапти.

Дастур ўзбекча “гапиради”

БМТ Тараққиёт дастури грант лойиҳасининг галдаги мақсади ушбу ишларнинг республика бўйлаб кенг татбиқ этилиши имкониятларини оширишга кўмак беришдан иборат бўлди. Бунга эришиш учун арзон, маҳаллий шароитимизга мос агрометеорологик станциялар ва уларнинг дастурий таъминотини яратиш ишлари режалаштирилган эди. Лойиҳага жалб этилган мутахассислар бунинг уддасидан чиқиди. Хориз қурилмаси асосида яратилган прототип мавжуд муқобилнинг айнан ўзи бўлса-да, ундан устунлик жиҳатлари ҳам бор. Биринчи

галда, у чет элликдан деярли беш баробар арзон. Бироқ бу мазкур ихтиронинг ягона афзаллиги эмас. У, шунингдек, онлайн тарзда 7 тадан ортиқ метеорологик кузатувни олиб бориш, сақланган маълумотларни интерактив график қўринишида тақдим этиш, 7 кун ва ундан кўпроқ вақт давомида 10 дан зиёд кўрсаткич билан ҳудуднинг энг аниқ прогнозини чиқариб бериш имкониятига эга. Бундан ташқари, станциянинг 6 та ўсимлик тури бўйича 30 дан ортиқ касаллик ва зараркунданни моделлаштириш дастури ишлаб чиқилган бўлиб, келажакда бу кўрсаткичларни янада кўпайтириш бўйича ишлар давом эттирилламоқда.

Яна бир муҳим жиҳати, олимларимиз станциянинг нафақат механизми, балки дастурий таъминотини ҳам маҳаллийлаштиришга муваффақ бўлди. Эндиликда ўзбек тилида иш юритадиган агрометеорологик станция дастури барча маълумотларни интернет тармоғидаги махсус сайтга жадваллар, чизмалар, графиклар, рақамлар қўринишида бериб боради. Катта вазифаларни бажаришга мўлжалланган станциянинг ҳажми кичиккина бўлиб, телевизор антеннасидек келади, холос. Қурилма 50 мм. диаметрдаги темир устунга ўрнатилади.

Айни пайтда 6 та намунадаги маҳаллий агрометеорологик станциялар синов тарикасида Фарғона водийси ҳудудларига ўрнатилиб, ишга туширилди. Инспекция ходимлари ҳамда станция фойдаланувчилари қурилма аъло даражада ишлайётгани, барча жиҳатдан хоризмликдан кам эмаслигини таъкидламоқда. Лойиҳа мутахассисларининг айтишича, жорий йил охирига қадар водий ҳудудларини шу турдаги станцияларнинг яна 9 таси ишга туширилади. Олинган тажриба ва ҳулосалар асосида йил сўнгига таҳлил ўтказилиб, республикада ана шундай агрометеорологик станциялардан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи**

Кейинги пайтда мамлакатимизда қурилиш қўламлари тобора кенгайиб ва жадал ривожланиб борапти. Бу йилги бунёдкорлик харитасида назар ташлайдиган бўлсак, 226 та йирик саноат ва инфратузилма объекти, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат, фармацевтика каби тармоқларда юзлаб янги ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилиши белгиланган.

30 та янги мактаб қуриш, 320 та шундай муассасани таъмирлаш ва моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида бюджетдан 2 триллион сўм йўналтирилса, мактабга таълим қамровини 65 фоизга, 2023 йил охирида эса 75 фоизга етказиш учун ҳам бири-биридан қийинчи босқичларни кўпайтиришга тўғри келади. Табиийки, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларидан жой олган масканлар фаёзи, шаҳарларда қад ростлаётган уй-жойларнинг меъморий қиёфаси, осмонупар бинолар юксаклиги кўнгилларни завққа тўлдирарди, уй тўйларига қўрқайди.

Тошкент шаҳрининг марказида Ўзбек Миллий академик драма театри, машҳур ўзбек япон архитектори Тадао Андо лойиҳаси асосида янги санъат музейи, замонавий кутубхона, Алишер Навоий номидаги ижод мактабидан иборат маданият ва маърифат мажмуасини барпо этиш ишларига тамал тоши қўйилган бўлса, ҳадемай, Мустақиллигимизнинг 30 йиллигига бағишлаб пойтахтимизда “Истиклол” мажмуасини барпо этиш ишлари ҳам бошлаб юборилади.

Ана шундай улугворлик касб этаётган бунёдкорлик қўламлари ҳақида ўйлар экансиз, улар учун зарур бўлган қурилиш материаллари соҳасининг тараққиёти ва аҳамиятини чуқурроқ англагандай бўламиз. Зеро, мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, барпо этиладиган иншоот ва биноларнинг 55-60 фоизини қурилиш ашёлари ташкил қилади. Замонавий меъморчилик янги,

сифатли, арзон, енгил ва зилзилабардош, инновацион маҳсулотларни талаб қилиши инobatга олинса, мазкур тармоқ ривожини нечоғлиқ замон билан ҳамнафас, салоҳияти қўламдор эҳтиёжларга ҳамоҳанг бўлиши кераклигини янада теранроқ ҳис қиламиз.

Пандемия бўлишига қарамай...

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда мамлакатимизда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи 10 мингдан ортиқ корхоналар фаолият юритмоқда. Ававалги йилларда 120 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 200 тадан ошди. Таҳлиллар шунини кўрсатадики, соҳа бўйича 2016 йилда 6 триллион 831 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланган, 2019 йилга келиб ушбу кўрсаткич 16,8 триллион сўмни ташкил қилган. Ўтган йили бу борада ўсиш давом этиб, 22 триллион сўмлик марра эгалланди. Яна бир муҳим рақам. 2020 йилда жами 200 миллион доллар миқдорда экспортни амалга ошириш прогноз қилинган эди. Белгиланган режа 128,5 фоизга бажарилди ва ўсиш 2019 йилга нисбатан 1,8 бараварни ташкил қилди.

Эътиборли жиҳати, пандемия шароитидаги чеклов ва мураккаблиқларга қарамай, экспорти географияси анъанавий ҳисобланган бозорлар, яъни Қозғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистондан ташқари Афғонистон, Озарбайжон, Туркия, Россия, Украина, Хитой давлатлари ҳисобига кенгайган.

Инвестиция — янгиликлар локомотиви

Ишлаб чиқаришни ва ҳар қандай корхонани модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки унинг моҳиятини илмий тилда қисқача ифодалайдиган бўлсак, давлат ёки ҳусусий капитални фойда олиш мақсадида турли тармоқдаги қувватларга, ижтимоий-иқтисодий дастурлар,



тадбиркорлик ва инновацион лойиҳаларга маълагланган муайян муддатга йўналтирилиши аналтади.

— Президентимиз томонидан 2020 йил 28 декабрда имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга маълагланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, юшмамиз корхоналарида умумий қиймати 469 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 31 та йирик инвестиция лойиҳаси жорий этилади, — дейди “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси инвестицияларни жалб этиш ва инвестиция лойиҳаларини мониторинг қилиш бошқармаси бошлиғи Баҳром Оллаберганаев. — Жорий йилнинг ўзида уларнинг қарийб тенг ярми ўзлаштирилиш кўзда тутилган. Унинг 215 миллион доллари тўғридан-тўғри хоризжий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига молиялаштирилади. Ушбу йирик лойиҳалар асосан Қорақалпоғистон Республикасида, Навоий, Фарғона, Сурхондарё, Жиззах, Самарқанд, Бухоро ва Тошкент вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида амалга оширилади.

Улардан бири — мамлакатимизнинг шимолий ҳудудига илгилга қўшимча 1 миллион тонна цемент ишлаб чиқариш бўйича “Қорақалпоқцемент” МЧЖ қўшма корхонасида қиймати 50 миллион долларлик йирик инвестиция лойиҳа-

си татбиқ этилади. Яъни, корхонанинг 3-босқичи фойдаланишга топширилган, унинг қуввати 1,4 миллион тоннага етади ва 100 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

“Қизилқумцемент” акциядорлик жамиятида умумий қиймати 126 миллион доллар бўлган клинкер ишлаб чиқариш бўли 4-линисига ишга туширилади. Натижада, корхонанинг йиллик цемент ишлаб чиқариш ҳажми 2,2 миллион тоннага ортиб, умумий миқдор 5,5 миллион тоннага етади. Айни пайтда бу ерда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилиб, асбоб-ускуналар буюртма асосида хорижда тайёрланмоқда.

Навоий вилоятида, шунингдек, “Petrawool” МЧЖ қўшма корхонасида базальт тошидан иссиқлик сақловчи плиталар ишлаб чиқариш (умумий қиймати 18,2 миллион доллар). Томди туманида “Мега кварц” МЧЖда кварц қумини қазиб олиш ва қайта ишлаш (умумий қиймати 3,9 миллион доллар) каби лойиҳалар ишга туширилади.

Соҳанинг етакчи корхоналарини модернизациялаш ва диверсификация қилишга, янги талабдор маҳсулотларни ўзлаштиришга инвестициялар йўналтирилиши натижаида юқори даражадаги техника-технологиялар кириб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, меҳнат унумдорлигини ошириш, замонавий бошқарув усулларини жорий этиш, рақобатдош

ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга замин яратаяпти. Хусусан, Фарғона вилоятида ана шундай мақсадлар учун 50 миллион долларлик инвестициялар жалб қилинади. Натижада “Кнауф Гипс Фарғона” хоризжий корхонасида гипсокартон листлари, “Flat Tile” МЧЖда керамогранит ва металл конструкциялар, “Азамат савдо Зиё” ва “Uzbek export trade” МЧЖда мих ва бурама михлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Тошкент вилоятида ҳам ҳудуд салоҳияти ва истеъмолчилар талабидан келиб чиққан ҳолда, қуввати 30 минг тонна бўлган кварц қумидан минерал плиталар ишлаб чиқариш имкониятига эга янги корхона ишга туширилади. Линолеум, автоклав газобетон блоклари, оловбардош гишлар, турли ҳажмли михлар, асфальт ва темир-бетон буюмлари тайёрлашга ихтисослашган корхоналар фойдаланишга топширилади.

Маълумки, иқтисодиётда тобора чуқурлашиб бораётган таркибий ўзгаришлар, татбиқ этилаётган истиқболли лойиҳалар ҳудудларнинг макроиқтисодий ривожини, экспорт ва бунёдкорлик салоҳиятини оширишда таянч дастак вазифасини ўтайди.

— 2021 йил Инвестиция дастурига ҳудудлар томонидан 123 та қурилиш материаллари ишлаб чиқариш лойиҳаси

киритилган бўлиб, жорий йилда 1 миллиард 110 миллион долларлик 76 та лойиҳа ишга туширилади, — дейди уюшманинг ишлаб чиқариш ва мавжуд қувватлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи Ботир Ҳўжабеков. — Жумладан, Сирдарё вилоятида “Bravo Master 777” МЧЖ томонидан йилга 50 минг дона гипсокартон қуввати ташкил этиляпти. Сурхондарё вилоятида йилга 420 минг тонна цемент ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Pb Investment Co” МЧЖ қўшма корхонаси фаолияти йўлга қўйилади. Шунингдек, Тошкент вилоятида “Arment construction chemicals business” МЧЖ томонидан бетон ва цемент учун қўшимчалар, Фарғона вилоятида “Golden valley fasteners” МЧЖ томонидан зарур темир ашёлар ва бурама мих, Навоий вилоятида “Zarafshop oyna” МЧЖда кенг ассортиментдаги ойна, Тошкент шаҳрида эса “Технопарк” МЧЖ да базальт, ўрама материаллар тайёрлашга ихтисослашган корхоналар барпо этилади.

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, республикада сўнгги тўрт йилда амалга оширилган лойиҳалар натижасида керамик плитка, гипсокартон, шифер, цемент, оҳак, базальт арматураси, темир-бетон маҳсулотлари, безакли ойна, сантехкерамика маҳсулотлари, керамогранит, гулқоғоз, деворбоп ва норузда материаллар каби маҳсулотлар ўзлаштирилди. Бунинг учун асосий турдаги қурилиш материаллари бўйича ички талабни тўлиқ қоплаш ва экспортга ушбу маҳсулотларни сотиш имконияти эга бўлган ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилди. Жумладан, 2016 йилда 360 миллион доллар инвестиция соҳага жалб қилинган бўлса, 2019 йилда ушбу кўрсаткич 1 миллиард 332 миллион долларга етган. Жорий йилда бу рақамнинг 1 миллиард 350 миллион доллардан ошиши кутияпти. Бу асосий турдаги қурилиш ва замонавий пардозлаш материалларига ортиб бораётган эҳтиёжнинг қондирилишидан, хоризмдан тушаётган буюмларнинг ҳам удалланишидан далолат беради.

Аслида талабга яраша тақлиф асосида фаолият юритиш эркин бозор муносабатларининг асосий меъзои ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчилар шу таомилга биноан сифатли, инновацион, энергия тежамкор технологияларга таяниб, янгидан-янги маҳсулот турларини қанчалик кўп ўзлаштирса, бунёдкорлик қўламлари шунчалик жадал кенгайди. Қолаверса, талабдан кўра, тақлифнинг кўп бўлиши мақул ва мақбул бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади.

Ёшларимизга ҳазрат Навоий ижодини чуқур ўргатишни тизимли йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Алишер Навоий асарларининг бугунги ёшлар тушунадиган ихчам намуналарини яратиб, турли мобил илова ва электрон дастурлар ишлаб чиқиш керак.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Бенедик ПЕРИ:

НАВОИЙДЕК ҚУЁШИ БОР ЮРТ ОШИҒИМАН



Бошланиши 1-бета

— Афтондил ака, суҳбатимиз аввалида Бенедик Перининг изланишларидаги ўзига хосликлар ҳақида айтиб ўтсангиз...

— Профессор Бенедик Пери мижор туркий-шунослиги вакили, Будапешт шаҳрида истиқомат қилади. Шарқшунослик институти директори, Этош Лоранд университети туркийшунослик кафедраси мудири сифатида фаолият юритади. Бенедик мазкур университетда инглиз, форс ва туркий тилларни ўрганган. Университетни 1992 йили битириб, туркий матнлар бўйича мутахассис бўлиб ётишган. Мазкур туркийшунослик кафедраси Ўрта Осиё туркий матнларини ўрганиш бўйича узок анъанага эга.

2017 йили Бенедик Пери Тошкентда, Алишер Навоий таваллудининг 576 йиллигига бағишлаб ташкил этилган конференцияда иштирок этиб, ўзбек тилида қисқа маъруза қилганди. Унинг фикрлари жуда қизиқ. Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” номли асарида бундай деб ёзган эди, “Туркий шоирлар ўз шеърларини қўпинча форс тилида ёзганлар, чунки улар учун асрлар давомида бу тилда шеър ёзиш анъанасига суяниб ижод қилиш осонроқ бўлган. Лекин Алишер Навоий туркий шоирларга йўл кўрсатмоқ учун ўзи ўша даврда кенг тарқалган адабий жанрларнинг барчасида эски ўзбек тилида асар ёзди. Айни вақтда, Алишер Навоийнинг эски ўзбек тилидаги шеърлари барча туркий халқлар учун бадиий намуна бўлди. 2017 йилдан бери Б.Пери Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университетида ўтказиладиган анъанавий “Алишер Навоий ва XVI аср” мавзусидаги конференцияларда ўз чиқиш ва мақолалари билан иштирок этиб келмоқда. Бунинг натижаси



ўлароқ, унинг “Бобурийлар муҳитига Алишер Навоий ва Лутфий ғазалчилигининг таъсири ҳамда “Алишер Навоий ва Ҳофиз Шерозийнинг биринчи ғазали” каби мақолалари Ўзбекистонда нашр этилади.

Бенедик Перининг “Алишер Навоий шеърларининг инглиз тилига таржимасига оид мулоҳазалар: муаммо ва таклифлар” мақоласи Навоий шеърини таҳлили ва шоир шеърларини Ғарб ўқувчисига таржимада тушунтириш масаласига бағишланган. Унда олим Навоий шеърларини Ғарб тилларига таржима қилишдаги муаммоларни кўрсатиб ўтган ҳамда уларни ҳал этиш йўлларига оид илмий қарашларини илгари сурган. Айни пайтда Бенедик Пери Алишер Навоий лирикасига оид тадқиқотларини давом эттирмоқда.

Энди бевосита Бенедик Перига саволлар билан мурожаат қилсак...

— **Хурматли Бенедик Пери, сизнинг мумтоз адабиётимизга, хусусан, Алишер Навоий ижодида бўлган қизиқишингизни ниҳоятда қадрлаймиз. Уч йил олдин ўзбекистонлик олима билан суҳбатингизда: “Мен эски ўзбек адабий тилига оид матнларни ўқишни талабалик йилларимданок бошлаган эдим. Эсимда, дастлабки ўқиш жараёнларида қўплаб қийинчиликларга дуч келганмиз, чунки бизда бу давр адабий тилига оид бирорта ҳам луғат йўқ эди. Афсуски, бу муаммо ҳозир ҳам ўз ечимини топгани йўқ, яъни талабаларимиз Навоий даврида яратилган адабий асарларни аслиятда ўқиб тушунишлариға мўлжалланган эски ўзбек адабий тилининг инглизча луғати ханузгача яратилмади”, деган эдингиз. Айни пайтгача бу муаммоға ечим бўла оладиган саъй-ҳаракатлар бўлдимми?**

— Буюк шоир таваллудининг 580 йиллиги арафасида Ўзбекистон Президенти томонидан эълон қилинган қарор бевосита мен сўз юритган масалада ҳам катта ўзгаришлар ясашига умид қиламан. Афсуски, шу кунгача илмий луғатлар билан боғлиқ вазият ўзгармади. Бизда ханузгача Мир Алишер Навоий ва унинг замондошлари асарларини ўқишни осонлаштирадиган классик ўзбекча (чиғатой)-инглизча луғат мавжуд эмас. Ҳозирги кунда биз доктор Суат Юнлу томонидан тайёрланган классик ўзбекча (чиғатой)-замонавий туркча луғатдан фойдаланмоқдамиз. Бу йилги саъй-ҳаракатларимиз ва ҳамкорлигимиз туфайли бу каби муаммолар ўз ечимини топишга, илмий ҳамкорлигимизда янги уфқлар пайдо бўлишига ишонаман.

— **Эски ўзбек адабий тили Венгрия туркологик тадқиқотлар марказининг асосий ва анъанавий йўналишларидан бири ҳисобланади. Вамбери айнан мана шу йўналишда қўплаб тадқиқотлар**

яратган. Унинг “Марказий Осиё туркий матнларининг чиғатой тили тадқиқотлари хрестоматияси”га Алишер Навоийнинг бир қанча ғазаллари киритилган. Шу ўринда Вамберининг шоғирдлари олиб борган изланишлар ва улар ўртага ташлаган қизиқарли мавзуларға тўхталиб ўтсангиз...

Афтондил Эркинов:
— Бу мавзуда мен ҳам ўз фикрларимни билдириб ўтсам. Дарҳақиқат, ўзбек мумтоз адабиётини ўрганиш бўйича венгриялик олимлар Европада етакчи ўринлардан бирини эгаллайдилар. XIX асрдан ўзбек мумтоз адабиётига Европада алоҳида эътибор қаратила бошланган. Бенедик Перининг Навоий ижодини ўрганишга кирилиши ҳам бежиз эмас. Ўтган асрда венгриялик олим Янош Экман ҳам Навоийға оид тадқиқотлар қилган. Яъни мижор олимларининг ўзбек мумтоз адабиёти, хусусан, Навоий ижодини ўрганиши Бенедик Пери ва унинг шоғирдлари илмий фаолияти орқали давом этмоқда. Марҳамат, Бенедик Пери, ушбу саволға сизнинг жавобингиз биз учун жуда қизиқ...

Бенедик Пери:

— Вамбери чиғатой тили ва адабиётига қизиқишини Будапешт университети туркшунослик кафедраси мудири сифатида устозига эрлаган шоғирди Жозеф Турига мерос қилиб қолдирган. У шу мавзуда 3 та кичик китоб нашр этди. Бири Марказий Осиёда туркий адабиёт тарихи, умуман, чиғатой-форсий луғатлари бўлса, биттаси Навоийнинг китобларини ўқиётган одамларға ёрдам бериш учун Эронда тайёрланган “Баҳжат ал-луғат” деб номланган луғатдир. Янос Экман 1870 йилда Вамбери томонидан асос солинган туркшунослик бўлимида ҳам ўқиган ва у узок вақт Туркияда бўлганида Ўзбекистон ҳудудида бир вақтлар гуллаб-яшнаган адабий анъаналарнинг тадқиқотчисига айланган. У хоразмликлар ва Чиғатой ҳақида қўплаб мақолалар нашр этди. Ушбу мавзу бўйича таниқли мутахассисга айланди. Будапештдаги туркшунослик мактабида ҳам таълим олган Андрас Бодропигети Экман изидан юриб, Чиғатой ва ўзбек адабиёти тарихининг турли жабҳаларига бағишланган қўплаб мақолалар эълон қилди. Унинг энг муҳим асарлари қаторига “Чиғатой тили грамматикаси” ва “Ҳозирги адабий ўзбек тили” қабилир қиради. Ёш авлод вақилларидан Ферентс Чиркес таниқли чиғатой матни тўғрисида мақола эълон қилди. Гулу Наврўз ва Андраш Центнар Ўрта Осиё туркий-форс тилидаги китоби бўйича докторлик диссертациясини ёздилар. Менга келсак, Ҳиндистонда туркий тил ва адабиёт тарихига бағишланган китоб ва бир неча мақолаларим чоп этилган. Шунингдек, мен XVI аср ўрталарида Ҳиндистонда яшаган Бобур ва Байрамхон шеърлари ҳақида ёзганман.

— Кейинги йилларда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодиға қизиқиш нафақат Шарқ, балки Ғарб оламида ҳам ортиб бораётгани қувонарлидир. Масалан, Америкада Девин де Вис, Николас Вомсли, Францияда Александр Папас, Марк Тоутант, Японияда Казауки Кубо ва яна бир қанча олимлар мутафаккир бобомиз ижоди борасида тадқиқотлар олиб борган. Бундай муносабат Ғарб университетлари талабалари ўртасида ҳам мавжуд. Бугун хорижда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодиға оид қилинаётган тадқиқотларға муносабатингиз қандай?

— Мен Навоий ижоди устида ишлаётган тадқиқотчиларнинг аксарияти билан яқин ҳамкорлик қиламан. Масалан, мени Парижда 2020 йилда Марк Тоутант томонидан Навоий ижодиға бағишланган конференцияға таклиф қилишди. Афсуски, пандемия туфайли ушбу конференция бекор қилинди. Буюк шоир ижоди билан боғлиқ янги изланишларим ва мулоҳазаларимни тақдим этолмадим. Халқаро илмий анжуманлар биз тадқиқотчиларға жуда катта имкониятларни ҳада этиши билан бирга келгусидаги изланишларимизға илҳом ва шижоат бағишлайди.

— Алишер Навоий лирикасининг



аксариятини инглиз тилига шеърый шаклда ўғириб бўлмайди, дея таъкидлашади тадқиқотчилар. Сиз, албатта, ғазаллардаги сўзлар муқобилини топиб, ўша ғазал моҳияти акс этган янги шеър шаклини яратишингиз мумкин. Аммо Навоий даври ижодий анъаналари муҳитида яратилган ғазал у яратилган давр ёҳуд тарихий муҳитдан ажратиб олинса, ўзининг хусусиятини буткул йўқотади. Шундай эмасми?

— Ўзбек мумтоз шеърятини Европа тиллариға таржима қилмоқчи бўлсангиз, бир қатор қийинчиликларға дуч келасиз. Биринчи қадам — техник қийинчиликларни енгилш. Ўзбек мумтоз шеърятда микдорий ўлчагилар, яъни вазн қоидалари қўлланилади. Венгер тилига таржима қилишда сиз асл ҳисоблагични сақлашға ҳаракат қилишингиз мумкин. Мен Бобурнинг бир неча ғазалларини венгер тилига таржима қилдим ва уларнинг асл нусхасини, мазмунини сақлаб қолдим, деб ўйлайман. Инглиз тилида эса вазият анча мураккаб. Вазн микдори одатда асл ҳажмини сақламасдан таржима қилинади. Иккинчи муаммо шундаки, Навоий сингари кўзға қўринган шоирлар сўзларни бир неча маъноларда қўлайдилар. Мен ҳаммаша Шарқ шеърятининг ана шундай тилсимли ва мураккаб жиҳатларидан ҳайратланаман. Яна бир жиддий муаммо шундаки, ўзбек мумтоз ва Европа адабиёти турли анъаналарға эга. Мен нимани назарда тутаятганимни тушунтириш учун биргина мисол келтирсам. Сиз мумтоз ўзбек шеърятининг анъаналари билан танишганингизда ва Мажнун номини эшитганингизда бевосита кўп нарсалар билан боғланасиз. Лайли номи дарҳол сизнинг хаёлингизға келади. Кейин “ақдан озган” ошиқ кезаётган сахро... Европалик ўқувчиларда булар ҳақида асосий билимлар мавжуд эмас. Шунинг учун уларға батафсил изоҳларсиз классик ғазалнинг асл ўзгалини кўрсатиш қийин. Мен шоғирдларимға қўпинча: “Шеърлар ҳаммаси ҳам асл ҳолича таржима қилинавермайди. Таржима қилинган шеърларнинг эса барчаси ҳам сиз ўйлаганингиздек аслидаги маънони аңлатмаслиги мумкин”, дейман.

Афтондил Эркинов:

— Таржима ғоят мураккаб соҳа. Бизда Ғарб тилларига Навоийни, асосан, инглиз тили (филологияси) мутахассислари таржима қилмоқда. Бу унчалик тўғри эмас. Сабаби, таржима қилиш учун ўзбек тилини шу миллат вакили бўлгани ҳолда билиш етарли бўлмайди. Ўзбекларнинг ўзи ҳам ўзбек тили ва адабиётини мутахассис даражаида билиш учун олий ўқув юртини битиради. Навоий шеърятини (асарларининг тилигина эмас, фикрлар олами ҳам мураккаб. Таржимон Навоий даври муҳити, ўзбек мумтоз адабиёти хусусиятлари, эстетик

тамоийилларини билиши керак. Бундан ташқари, таржимон қайси тилға таржима қилса, ўша тил муҳити ва китобхон оламини билиши керак. Ҳар иккисини бирдек биладиган таржимонлар жуда-жуда кам. Таржимадаги мана шу муаммолар Навоийни ва унинг асарларини оламға танитишдаги асосий камчилик бўлиб келяпти. Бенедик Пери ўзбек мумтоз адабиёти ва Навоий шеърятини Ғарб китобхонига таржима қилиб етказишдаги мураккабликларни таъкидлаган вақтида ҳақ гапни айтди.

— **Навоий ижодининг замонавий талқинлари янги назарий қарашлар, жаҳон адабиётшунослигидаги илгор таҳлил усулларига асосланиши лозим. Шу нуқтаи назардан, сиз бутун шоир ижодини ўрганишда қандай замонавий таҳлил методларини таклиф қилган бўлардингиз?**

Бенедик Пери:

— Биз шоғирдларим билан қўпинча битта ғазални таҳлил қилиш ва аңлаш учун бутун аудитория биргаликда муҳокама қиламиз. Яхши шеърларни тўлиқ баҳолаш қийин. Чунки улар ўзлари туғилган интеллектуал анъана ҳақидаги ишоралар билан тўлиқ бўлади. Дастлаб биз ўлчамини аниқлаймиз, чунки у шеърнинг тўғри ўқилишини белгилайди. Кейин биз сатрма-сатр босқичида ўқиймиз. Улар ичида яширинган риторик фигуралар ва матнлараро ташбеҳларни кашф этамиз. Ислому ва тасаввуф ақидаларига келсак, талабаларимизда ислом дини асослари бўйича дарслар бор. Дарсларни мутахассислар ўтади. Шу ўринда Шарқ шеърятининг қанчалар ғузал мушоҳадаға, руҳиятни хотиржам қилувчи илоҳий қудратға эга эканини таъкидлаб ўтмоқчиман. Алишер Навоийдек маънавий қуёши бор юртада яшайсизлар. Мен шу юртининг қўна тарихига ва чексиз маънавий тилсимға эга шеърятига ошиқман.

— **“Мир Алишер Навоий шеърятини аңлашға илк қадам” номли китоб яратиш ниятида эканингизни айтгандингиз. Китоб инглиз тилида бўлиб, унда Навоий ғазалларидан намуналар ҳар икки шаклда — қўлёзма ва унинг лотин ёзувидаги изоҳлари билан берилди, дея таъкидлагансиз. Бу аjoyиб режангизни қай даражада амалға ошира олингиз?**

— Ҳозирги кунда дўстим профессор Абдулла Аъзамов билан ишлаётган лойиҳамиз Навоийнинг рубойилари билан боғлиқ. Ғазаллар ўрниға биз рубойини танладик. Чунки уларни мумтоз ўзбек шеърятини эндиғина ўргана бошлаган ўқувчилар осонроқ тушунади. Китобға 40 та рубойини киритишни режалаштирганмиз. Ҳар бир рубойи эски ўзбек графикасида ҳам, лотинча илмий транскрипция да ҳам мавжуд бўлади. Кейин биз ўқувчиға просодия ва поэтикаға оид ёзувларни тақдим этамиз. Шунингдек, биз муҳим сўзлар луғатини, сўнгра инглиз тилиға таржимасини берамиз. Агар шеър қўшимча тушунтиришни талаб қилса, у ҳам берилган. Менинг таржималарим қандай кўринишда тақдим этилгани ҳақида сизға маълумот бериш учун мисол келтириб ўтсам:

Sārbāt māñā ħunob-u ġazā ġam bolmīš
Bistār tofrag-u āh ħāmdām bolmīš
Ĥālimğa ħalāyiq işi mātām bolmīš
Sensiz olārim sa b eđi ul ħām bolmīš
Bloody tears are my water and sorrow is my bread,
Sighs are my best friends and the dark ground is my bed.

People saw my sad state and hot tears they did shed,
Fate has never spared me; without you I am dead.

Биз жорий йилда ушбу лойиҳани бошладик ва ишимизнинг деярли ярмини бажардик. Ушбу жилди бу йил Алишер Навоийнинг 580 йиллигига бағишлаб нашр этиш мумкинлигидан ғоят бахтиёрман. Шунингдек, тўпلامимиз мутахассислар орасида ҳам, оддий ўқувчилар орасида ҳам иjoyиб жавоб олишиға умид қиламиз.

**“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Мухтасар ТОЖИМАМАНОВА
суҳбатлашди.**

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

АШХОБОДА УЛУҒ ШОИР ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Туркменистон пойтахтида буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан тантанали тадбирлар бўлиб ўтди.

Таъкидлаш керакки, Туркменистонда ўзбек мумтоз адабиёти вақиллари катта ҳурмат билан қарашади. Ашхободнинг марказий кўчаларидан бириға Алишер Навоий номи берилган. Ушбу кўчада жойлашган “Илҳом” марказий хиёбонида шоирға атаб ёдгорлик ўрнатилган. Шанба кўни эрта тонгда ушбу ёдгорликка гулчамбар қўйиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистоннинг Туркменистондаги элчихона ходимлари, БМТнинг минтақавий тузилмалари, бошқа халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналарида меҳнат қиладиган ватандошларимиз иштирок этди.

Дипломатларимизнинг фарзандлари бутун дунёда эзгулик, дўстлик ва тинчликни тарғиб қилган буюк шоир қаламиға мансуб тўртликлардан намуналар ўқиди.

Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағиш-

ланган тантанали тадбирларнинг асосий қисми Довлетмаммет Азоди номидаги Туркменистон Миллий жаҳон тиллари институтида бўлиб ўтди. Институт мажлислар залида муҳим санаға бағишланган брифинг ва адабий кеча ташкил этилди.

Тадбирда сўзға чиққанлар Алишер Навоий бебаҳо меросининг ўзбек ва туркий халқлар ёзма нутқи ва адабиёти ривожидати ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида сўз юритди. Институтнинг туркман тили кафедраси мудири Ойгул Қурбонова Алишер Навоий шахси, унинг маънавий, фалсафий ва маданий мероси Гомер, Данте, Рудакий, Низомий, Фирдавсий, Шекспир, Бальзак билан бир қаторда туришини таъкидлади.

Буюк шоир ва мутафаккирнинг тинчлик, саховат, фидойилик, инсонпарварлик ва илм-фан ҳомийси каби эзгу фа-

зилатлари туркман халқи орасида катта ҳурматға сазовор бўлган. Алишер Навоий шарафига атаб “Гулфҳем” ва “Мирали ва Султон Суюн” (“Алишер Навоий ва Султон Ҳусайн Бойқаро”) дostonлари яратилган.

Алишер Навоийнинг ижодий мероси туркман халқи маданияти ва санъатининг ривожланишиға ҳам катта таъсир кўрсатган. Молланепес, Нурмуҳаммед Андалиб, Кемине, Махтумқули каби таниқли туркман шоир ва ёзувчилари Навоийни ўз устози ва илҳом манбаи деб ҳисоблаган.

Махтумқули ҳақидаги ҳикоялардан бирида айтилишича, бир вақтлар буюк туркман шоири Хивадаги “Шерғоҳихон” мадрасасида таҳсил олаётган вақтида шеърини танловида қатнашган ва ғолиб бўлган. Шунда Махтумқулиға: “Сиз Алишер Навоийға катта ҳурмат билан қарайсиз. Агар у тирик бўлганида ва Хиваға келганида, нима қилган бўлар эдингиз?” маънода савол беради. Махтумқули бунға жавобан: “Агар менинг устозим Алишер Навоий тирик бўлганида, мен



унинг отининг жиловини ушлаб турганимдан хурсанд бўлар эдим, агар мен шоирнинг қўлларига сув қуйиб, унга сочиқ тутишға лойиқ бўлсам, ўзимни жаннатдагидек ҳис қилардим”, деб жавоб берган.

Алишер Навоий юбилейига бағишланган тантанали тадбир Довлетмаммет Азодий номидаги Туркменистон Миллий жаҳон тиллари институти талабалари томонидан ўзбек мумтоз адабиётига оид ғазаллардан парчалар ўқиш билан якунланди.

“Дунё” АА, Ашхобод



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official

ЭЪТИҚОД ВА САЛОМАТЛИК

Бошланиши 1-бетда

Жисмонан фаол бўлган киши доимо кўркем, салобатли, ғайрат-шижоатли кўринади. Соғлом танада эса соғлом ақл ва теран руҳият шаклланади. Жисмонан баркамол инсон ҳар хил иллат ва касалликлардан йироқ бўлади. Ўз саломатлигини назорат қилиш, соғлигини сақлаш йўлида қайғуриш ҳар бир мўмин ва мўминанинг исломий бурчи ҳисобланади.

Кучли мўмин кучсиз мўминдан яхшироқдир

Муборак динимиз дунё ва охиратга тегишли барча соҳаларни қамраб олган, яхши амалларни тарғиб қилиб, ёмонларидан огоҳлантирган. Жумладан, мусулмон киши ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом ва бақувват бўлиш масаласида Қуръони карим ҳамда Пайғамбаримиз суннатида етарлича кўрсатмалар берилган. Хусусан, фойдали ва соғлиқ учун зарур бўлган жисмоний машғулотлар билан шуғулланишга чақириқ бор.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом жисмонан бақувват бўлгани ва саҳобаларни ҳам жисмоний фаол бўлишга тарғиб қилгани саҳиҳ манбаларда айtilган. Зеро, жисмоний фаол бўлиш, инсон танасига қувват бериб, соғлиқни сақлаш йўлида беназир усул ҳисобланади. Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтди: **“Бақувват мўмин заиф мўминдан кўра, Аллоҳ таолога маҳбуброқ ва яхшироқдир. Лекин ҳар иккисидан ҳам яхшилик бор”**.

Инсон ҳам руҳий, ҳам жисмоний озуқага муҳтож. Руҳиятнинг озукаси илму маърифат бўлса, унинг моддий озукаси еб-ичмоқ ва жисмоний ҳаракатлардир. Ҳаракат инсон вужудига қувват бериш билан бир қаторда, танада шаклланаётган ҳар қандай зарарли иллатлар, касалликларни бартараф этади.

Испом дини инсонлар бақувват, жисмонан фаол бўлишига ҳеч қачон тўсқинлик қилмайди. Балки мўмин кишини ақлий, ахлоқий, жисмоний ва илмий жиҳатдан қувватли бўлишини ирода қилади. Жисмонан фаол, бақувват инсон диний ибодатлар ва дунёвий вази-фаларни ғайрат-шижоат билан қийин-чиликсиз бажаради. Жисмоний фаол, кучли бўлиш учун спортнинг маълум тури билан шуғулланиш шариатимизда муҳо амаллاردан саналади. Агар соғлиқни сақлаш, бадантарбия зарурати тақозо қилса, мустаҳаб ва муҳим амалга айланади.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом замонига назар соладиган бўлсак, биринчи навбатда, Ўл зотнинг ўзлари, саҳобалар, ҳатто саҳобия аёллар ҳам жисмоний машғулотларнинг бир неча туридан фойдаланганини кўришимиз мумкин.

Саҳобалар кўпгина жисмоний машқларда ўзаро мусобақалашар эди. Пайғамбар алайҳиссалом уларнинг бу ишларини кўрар, лекин инкор қилмасдилар.

Камондан ўқ отиш ҳам уларнинг даврида ривож толган ва жисмоний фаол бўлишни талаб этувчи машғулотлардан бири бўлган. Зеро, жисмо-



ний ҳаракатнинг мазкур тури инсоннинг билаклари бақувват бўлишини талаб этади. Шунинг учун Пайғамбар алайҳиссалом: **“Билиб олин! Қувват камон отишдадир”**, деганлар (Имом Муслим ривояти).

Пайғамбаримиз алайҳиссалом даврида от миниш ҳам жисмоний фаоллик саналган. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда: **“Ким ўзарга мукофот бериш йўли! Магар тўя чоптириш, от чоптириш ва ўқ**



ҚУВВАТЛИ ИНСОН ЖАМИЯТ УЧУН МАНФААТЛИДИР

отиш бундан мустасно”, дейилган (Имом Абу Довуд ривояти).

Сузиш ҳам жисмонан соғлом бўлиш, чиройли қомат шаклланишида асосий машғулотлардан бири ҳисобланади. Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳу айтади: **“Фарзандларингизга сузишни, ўқ отишни ўргатинглар! Отга бир сакраб чиқишга қодир бўлишларини айтинглар!”**.

Ҳаммамизга маълумки, отга бир сакраб чиқиш учун киши етарли даражада бақувват бўлиши талаб этилади. Ҳазрати Умардек зот фарзандларни мана шу даражада қувват касб қилишни, жисмонан бақувват бўлишини талаб қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ота-оналар фарзандларига бефарқ бўлмаслиги, уларнинг соғлом ва жисмоний фаол бўлиши йўлида зарур шарт-шароитларни яратиб беришни тақозо этади.

Яна Пайғамбар алайҳиссалом даврида энг кўзга кўринган, кишининг қий даражада бақувват эканини намоён қиладиган, шу билан биргаликда кенг тарқалган спорт турларидан бири, бу — паҳлавонлик — кураш тури. Унда курашувчилардан бири иккинчисини зарар ва озор бермаган, устидан масҳара қилмаган ҳолда, ерга ётқириш талаб қилинган.

Руқона ибн Абд Язид номли киши Пайғамбаримиз алайҳиссалом даврида энг номи чиққан, кучли ва енгилмас курашчилардан эди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом уни бир эмас, бир неча бор йиқитганлари сийрат ва суннат китобларига машҳурдир.

Мутахассисларнинг маълумотига кўра, жисмоний машғулот турларининг ичида бадантарбия, пиёда юриш ҳам соғлиқни тиклаш учун энг фойдали машғулотлардан бири. Ҳолбуки, Пайғамбаримиз алайҳиссалом пиёда юрганларида саҳобалар Ўл зоти шарифга ета олмаслиги баён қилинган. Пайғамбаримиз пиёда тез юрар эдилар, лекин шошилиб юрмасдилар.

Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоху анҳо айтадилар:

“Сафарда Пайғамбар алайҳиссалом билан мусобақалашдим ва Ўл зотдан ўзиб кетдим. Кейинчалик гўштим ортганда (яъни вазним ортганда) ҳам мусобақалашдим. Лекин унда Пайғамбар алайҳиссалом мендан ўзиб кетдилар. Шунда У зот: “Эй Оиша! Бу — ушангадир (яъни бир бир бўлди)”, дедилар. Яъни ўтган сафар сен қолиб эдинг, бу сафар мен. Иккимиз тенг бўлидик, деган мазмунда сўз айтилди.

Бу ҳадиси шарифдан ҳам эркаклар, ҳам аёллар жисмоний тарбия билан шуғулланиши жоиз ва яхши экани маълум бўлади.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом қадоматлари келишган, ўрта бўли, елкалари кенг ва бақувват инсон бўлганлар. Шайх Муҳаммад Ғаззолий Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг қувватли бўлганларига далолат қилувчи уч воқеани зикр қилган.

Пайғамбаримиз Маккадан Тоифга пиёда борганлар. Уша пайтларда йўллар ҳозиргидек текисланган эмас эди. Қолаверса, Макка билан Тоиф орасидаги масофа тоғли, ўқир-чўқир йўللарга тўғри келади. Шундай бўлса-да, Ўл зот Тоифга пиёда йўл босиб борганлар.


Қўнларнинг бирида Пайғамбаримиз алайҳиссалом икки соҳиблари — Али ва Абдуллоҳ ибн Равоҳа розияллоху анхума билан сафарга чиқдилар. Уларда биргина улов бор эди. Уни бир киши минар, икки киши эса пиёда йўл босар эди. Али ибн Абу Талиб ва Абдуллоҳ ибн Равоҳа иккилари Пайғамбаримиз алайҳиссалом пиёда юриб, ўзлари уловда юришдан хижолат тортидлар. Шунда Пайғамбаримиз алайҳиссалом

уларга кескин жавоб қайтардилар ва сиз иккинчисиз мендек пиёда юришга қодир эмассизлар ва мен ҳам ажр-савобга сизлардек эҳтижмандман, дедилар. Шу зайлда узоқ масофани пиёда босиб ўтдилар.

Ҳандақ ғазотида саҳобалар ер қовлаш жараёнида катта бир тошга йўлиқдилар. Уни парчалашга оғирлик қилганларидан сўнг Пайғамбаримизга мурожаат этишга мажбур бўлдилар. Ўл зот келиб, кирка (тош майдалайдиган) билан бир неча зарбада тошни парчалаб юбордилар.

Жобир розияллоху анҳудан ривоят қилинади: **“Одамлар Пайғамбар алайҳиссаломга заифлик, ҳолдан тойганликлари борасида шикоят қилиб келдилар. Шунда Ўл зот илдам-илдам қадам ташлаб (пўкиллаб) юришга буюрдилар. Улар Расулulloҳнинг айтганларини қилдилар ва шу усул енгил экан, дедилар”**.

Қўриб турганимиздек, динимиз инсонларни ҳар томонлама кучли, бақувват, жисмонан ва руҳан соғлом бўлишга тарғиб этади. Дангсалик, ялқовлик, оғирлик ва заифликдан йироқ бўлишга чақиради. Пайғамбаримиз алайҳиссалом мазкур иллатлар фориғ бўлиш учун Аллоҳдан доимо паноҳ сўраганлар. Аллоҳдан ҳар жиҳатдан офиятда бўлишни дуо қилганлар. Зеро, бақув-



ват ва соғлом инсоннинг ибодатлари ҳам гўзал, бенуқсон бўлади. Қувватли инсон аввало, ўзи учун, қолаверса, атрофдаги, жамиятдаги инсонлар учун манфаатлидир. Куч-қувватли инсон ибодатда мустақкам бўлишда, ожиз инсонларга ёрдам қилини чўзишда, жамият барқарорлигини таъминлашда, айниқса, ризқ-рўзини толиб, фарзандларини камолга етиши йўлида толиқмай меҳнат қилишда бошқаларга ўрнак бўла олади.

Жисмонан фаол бўлган киши доимо кўркем, салобатли, ғайрат-шижоатли кўринади. Соғлом танада эса соғлом ақл ва теран руҳият шаклланади. Жисмонан баркамол инсон ҳар хил иллат ва касалликлардан йироқ бўлади. Ўз саломатлигини назорат қилиш, соғлиқни сақлаш йўлида қайғуриш ҳар бир мўмин ва мўминанинг исломий бурчи ҳисобланади.

Динимизда соғлом ҳаёт тарзини йўлга қўйиш учун энг гўзал кўрсатмалар берилган. Киши соғлом ҳаёт тарзини йўлга қўйиш учун, аввало, тозалikka ривоя қилиши, бадантарбия билан шуғулланиши, ўз вақтида дам олиши ва тўғри овқатланиши йўлга қўйиши зарур.

Испом — ҳаракат дини

Минг йиллардан буён инсоният саломатлиқни сақлаш ва узоқ умр кўриш сирларини ўрганиб келади. Кўпчилик олимлар тажрибаларга

асосланиб саломатлик гарови руҳий хотиржамлик ва жисмоний фаоллик эканини эътироф этади. Аксинча, руҳий изтироблар, ҳаракатсизлик ва ортиқча вазн эса турли касалликларни бошлаб келади. Айниқса, қўлайликлар кўпайган, ҳамма нарса ўтирган жойда бошқариладиган бугунги замонда жисмоний фаоллик масаласи янада долзарб бўлиб бормоқда.

Зубайр разияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳалол ризқ учун ҳаракат қилишга қизиқтириб шундай деганлар: **“Бир киши арқони билан елкасига ўтин орқалаб келиб, уни сотиши хоҳласа берадиган, хоҳламаса бермайдиган одамлар олдига бориб, тиланиб юрганидан яхшироқдир”**.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом умрлари давомида ҳалол ризқ талабиди бўлганлар, ёшлик даврида қўй боққан бўлсалар, ишгиллик даврида Хадича онамизнинг молларини сотиб, тижоратда шерик бўлганлар. Кейин эса Аллоҳ таоло Ўл зотга кўп ғаниматлар ато қилди. Хайбарда бир қанча ерлари бўлиб, ўшандан чиққан маблаг билан аҳли-аёлларига нафақа берар эдилар.

Бошқа ҳадиси шарифда эса: **“Киши ейдиган энг яхши таом кўл меҳнати эвазига келганидир. Аллоҳнинг пайғамбари Довуд алайҳиссалом ҳам ўз кўл меҳнати эвазига таом еган”**, дейилади.

Ривоят қилинишича, Довуд алайҳиссалом темирчи, Одам алайҳиссалом деҳқон, Нух алайҳиссалом дурадгор, Идрис алайҳиссалом чевар ва Мусо алайҳиссалом чўпон бўлганлар.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг яна бир чиройли оқдотлари шу эдики, шанба кунлари уловда ёки пиёда ҳолда Мадина чеккасидаги Қубо масжидига яқинларини зиёрат қилиш учун борар эдилар. Демак, динимизнинг буйруғи — силан раҳм қилиш, қариндошларни зиёрат қилиш ҳам мусулмонни ҳаракатга келтиради.

Испомнинг улуг фарзларидан яна бири — Ҳаж ибодати ҳам мусулмон кишидан фаол жисмоний ҳаракатни талаб этади. Ҳаж муборак сафари давомида бир неча ўн километрларни пиёда босиб ўтишга тўғри келади. Аллоҳ таолонинг ҳикматини қарангки, бугунги техника ривожланган пайтда ҳам пиёда юрмасликнинг илоҳий йўқ, чўчки одамлар кўплигидан техникада юриб бўлмайди.

Динимиз мусулмонларни Ватан ҳимоясида доим шай туришини талаб қилади. Бу ҳам ҳар бир мўмин-мусулмондан жисмонан соғлом, бақувват ва чиниққан бўлишини тақозо қилади. Одамлар орасида Испом дини спортга қарши деган нотўғри тушуинчлар юради. Аслида динимиз спортга қарши эмас, лекин унинг қиморга, шафқатсизлик ва қотилликка айланишига тоқатсиз.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом саҳобаларини турли жисмоний мусобақалар, отда чоғиш, сузиш, ўқ отиш, кураш ва ҳоказоларга тарғиб қилдилар. Уша мусобақалар замонавий спорт турларининг қадимги кўринишлари эди.

Шундай қилиб илхос билан қилинган ҳар қандай ибодат соғлиғимиз гарови бўлади. Биз у ҳикматларни билсак ҳам, билмасак ҳам, кўлаб фойдалар қўлга киритилади.

Бир сўз билан айтганда, динимиз доимо инсонларнинг фаол жисмоний ҳаракатини, ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом бўлиб, ўзи ва ўзгаларга фойда-си тегишини олқишлайди. Соғлом бўлиш эса маънан камолотга эришишга ёрдам беради.

Аллоҳ таоло барчаларимизни жисмонан қувватли, руҳан тетик ва ҳадиси шарифда айтилганидек, ўзига маҳбуб мўминлардан бўлишимизни насиб айлсин!



yuz.uz_news

МУНОСАБАТ

Ўзбекистон интеллектуал одамлар, иқтидорли ёшлар мамлаката сифатида ҳам дунёга танилмоқда. Интеллектуал ривожланишга эса турли омиллар, воситалар сабабчи бўлади. Улардан бири — шахмат.

ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ: ЎЗБЕКИСТОН АСР ЧОРЛОВЛАРИГА ШАЙ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШИГА ИШОНАМИЗ



Давлатимиз раҳбарининг мамлакатда шахматни ривожлантиришга қаратаётган алоҳида эътибори ҳам ана шу мақсад-муддаони кўзлагани билан аҳамиятлидир. Президентимизнинг 2021 йил 14 январдаги “Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада мутлақо янги босқич, янги тизимни бошлаб берди. Бу қарор халқаро ҳамжамият, хусусан, шахмат мутахассисларида ҳам катта қизиқиш уйғотяпти, Ўзбекистон шахмат федерациясига дунёдаги нуфузли шахмат ташкилотларидан илқ муносабатлар келиб тушмоқда. Ўзбекистон шахмат федерацияси билан ҳамкорликда уларнинг айриларини эътиборингизга ҳавола қилаймиз.

Аркадий ДВОРКОВИЧ, Халқаро шахмат федерацияси президенти:

— Ўзбекистон нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки бутун дунёда шахмат жадал ривожланаётган мамлакатлардан бири бўлиб, бу Президент Шавкат Мирзиёев олиб бораётган изчил сиёсат натижасидир.

Мамлакатингизда Шахматни 2025 йилгача ривожлантириш дастурининг қабул қилиниши Халқаро шахмат федерациясининг “Мақтабларда шахмат” лойиҳаси тамойилларига тўла мос келади ва дунёда энг истиқболли дастур ҳисобланади.

Бу, ҳеч шубҳасиз, халқингизнинг интеллектуал салоҳияти юксалиши қафолати бўлиб хизмат қилади.



Шайх Султон Бин Халифа Ал Наҳаён, Осиё шахмат федерацияси президенти:



— Кейинги йилларда Ўзбекистон шахматчилари ҳам жамоавий, ҳам яккалик баҳсларда яхши натижаларга эришмоқда. 2016 йилда мактаб ўқувчилари ўртасидаги жаҳон чемпионатида, 2018 йилда Жаҳон шахмат олимпиадасида биринчи ўринни эгаллашди, шунингдек, Осиё чемпионатида олган медаллар сони ҳам йил сайин ортапти. Бу Ўзбекистонда истеъдодли ёш шахматчиларнинг янги авлоди пайдо бўлаётганидан далолат.

Осиё шахмат федерацияси ҳомийлигида Ўзбекистонда қўллаб Осиё чемпионатлари ва халқаро ҳакамлар семинарлари ташкил қилинган. Бундан кейин ҳам биз ўзбекистонлик ҳамкасблар билан ҳамкорликда фаол ишлашда давом этамиз.

Виктор ВАЙПАН, Шахмат федерациялари уюшмаси президенти, Москва давлат университети проректори:

— Ўзбекистон ҳукумати томонидан шахматни ривожлантириш борасида қўрилаётган чора-тадбирлар нафақат мамлакатда болалар, ўсмирлар ва ёшлар вақти мазмунли ўтишини таъминлайди, балки, ҳеч шубҳасиз, мамлакат шахмат федерациясининг халқаро рейтингига ҳам иқобий таъсир кўрсатади.

Шахмат интизомли, интеллектуал ўйин сифатида тафаккурни юксалтиради, диққатни қамлашга қумаклашади, фикрни теранлаштирилади, хотира ўткирлиги ва қатъиятни ривожлантиради. Ўз навбатида, давлатлараро муносабатларда ишонч ва ҳамкорлиқни мустаҳкамлайди. Шахмат федерациялари уюшмаси шахмат ўйинини оммалаштириш бўйича Ўзбекистонда қабул қилинган дастури қўллаб-қувватлайди. Уни амалга оширишда ҳам бевосита иштирок этишга тайёرمىз.



Канада Миллий академик шахмат ташкилоти:



— Президент Шавкат Мирзиёевнинг шахматни ривожлантиришга доир қарори сеvimли ўйинимизни қўллаб-қувватлашнинг ҳимматли ва оқилона йўли бўлди.

Ўзбекистон минглаб ёшлар ўртасида спортнинг интеллектуал турини тарғиб қилган ҳолда, Марказий Осиёда шахмат бўйича ўта қудратли давлат бўлишга ва XXI аср чорловларига шай ёшларни тарбиялашга тайёр эканига ишонамиз.

Шу маънода, биз Ўзбекистондан кўп нарса ўрганиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Улугбек АСРОРОВ тайёрлади